

ЁШ АВЛОДНИ ОИЛАДА МАЪНАВИЙ ЕТУК ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

М.Абдуллаева
Н.Абдуллаева
НамДУ

Аннотация: Инсоннинг маънавий қиёфаси, айниқса, ижтимоий тарбияси оилада шаклланади. Зеро мустақиллигимиз пойдеворини мустаҳкамлайдиган, мамлакатимиздаги оламшумул аҳамиятга молик ўзгаришларни амалга оширадиган шахс ҳам оилада тарбияланади. Ҳар қандай тарбия, аввало оиладан бошланади.

Калит сўзлар: ёш авлод, маънавий етук, тарбия, маънавий қиёфа

PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF EDUCATION OF THE YOUNG GENERATION AS SPIRITUAL MATURE IN THE FAMILY

M.Abdullaeva
N.Abdullaeva
NamSU

Abstract: The spiritual image of a person, especially his social upbringing, is formed in the family. After all, a person who strengthens the foundations of our independence and makes significant changes in our country is also brought up in the family. Any upbringing starts with the family.

Keywords: young generation, spiritual maturity, upbringing, spiritual appearance

Болаларимиз-бизнинг кексалигимиз. Яхши тарбия-бизнинг бахтли кексалигимиз, ёмон тарбия- булғуси гам-аламларимиз, кўз ёшларимиз, бошқа одамлар олдидаги, бутун жамият олдидаги айбимиз демакдир.

Антон Семёнович Макаренко

Ҳар бир оила ўзини-ўзи тарбиялаши лозим. Оиладан маънавий қашшоқ бўлиб чиққан фарзандларни на мактаб, на жамият тарбиялай олади. Оила мустаҳкам тинч, барқарор ва фаровон бўлсагина, унда тарбияланиб, вояга етаётган фарзанд маънавияти етук, фикри теран, соғлом ва комил инсон бўлиб етишади. Мана шундай инсонлар яшаётган жамиятда эса барқарор вужудга келади. Бу ўз навбатида, маънавий ва рухий мухитнинг соғломлиги, ислохотлар муваффақияти учун қулай замин яратади.

Шу боис оилани мустаҳкамлаш, унинг турмуш даражасини ошириш, оила аъзоларининг соғлигини сақлаш мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим йўналишини ташкил этмоқда. Халқ фаровонлиги, турмуш шароитлари, даражаси ва сифати жамиятнинг бошланғич ижтимоий-демографик гуруҳи бўлган оиланинг яшаш аҳволидан келиб чикиб белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам оилага алоҳида эътибор берилган. Ушбу комусда оилавий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш ва уни химоя қилиш моддалари алоҳида аҳамиятга эга бўлиш билан бирга оиланинг жамиятда тутган ўрни аниқ, равшан ифодаланган. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар, оила мустақиллиги, унинг маънавий-ахлоқий асоси ўз аксини топган. Мазкур ҳуқуқий меъёрлар юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга асос бўлади.

Нима сабабдан биз кўпроқ оила ва унда юз берадиган муносабатларга эътиборли бўламиз, нима сабабдан оила масканида ўзимизни яхши, бахтли ҳис этсак, ишимиз ҳам юришгандек, омадимиз чопгандек бўлади? Чунки оила бизнинг ҳаётимиздаги энг азиз ва муқаддас даргоҳ! Фақат оилагина инсоннинг бахтли бўла олиши, ўзини кимларгадир керакли ҳис эта олишига сабаб бўла олади. Шунингдек, жамият тараққиётининг кутилган даражага чиқа олмаслиги, унинг тараққиётига тўсқинлик қилувчи, унинг инқирозига олиб келувчи кучларнинг юзага келишида ҳам оиланинг ҳиссаси каттадир. Чунки носоғлом психологик муҳитли, низо-жанажалли, ўзаро меҳр-оқибатсиз муҳитда дунёга келиб, шаклланган бола, кейинчалик нафақат ўз ота-онаси, ака-каларига нисбатан балки атрофдагиларга, қолаверса, ўзи яшаган жамиятга нисбатан ҳам меҳр-оқибатсиз, шу асосда ўз оиласи, ўз халқи, ўз юрти учун маъсулиятсиз одам бўлиб етишиши мумкин.

Ота-оналарни бола руҳияти ва тарбиясига оид психологик билимлар билан қуроллантирмасдан туриб оилада тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш мумкин эмас. Шу билан бирга, фарзандларни тарбиялашдаги энг муҳим вақтуларнинг кичик мактаб ёши даври бўлиб, бу даврда болаларнинг мустақиллигини қўллаб-қувватлаш, “маслаҳатлашиш”, ҳатто баъзи оилавий муаммоларни (бола хонасига бирон бир жихоз танлаш, дам олиш куни каерга сайрга чиқиш ва х.к.) ҳал этишда уларга таяниш болада ўзига ва ота-онасига бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Кишининг психик жихатдан ривожланишида ҳамда ижтимоийлашувида мактабгача ёш даври энг асосий ўриндадир. Психологларнинг таъкидлашича, боланинг оилада тарбияланишида катталар маъсуллигида миллий маросимлар, анъаналарда ва байрамларда бевосита иштирок этиши уларда эстетик, маънавий -ахлоқий сифатлар, миллий ўзликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Шу билан биргаликда уларда миллий хусусиятларни ривожлантиришда миллий анъаналар акс этган вазиятларни кўрсатиб бериш, бажартириш самарали натижа беради дейишимиз мумкин

Шу билан бир қаторда таълим муассасаларида ўқитувчилар томонидан болаларда миллий ўзликни шакллантириш мақсадида олиб бориладиган коррекцион ишларда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

- коррекцион ишлар мобайнида кичик мактаб ёшидаги болалардан юқори даражадаги ихтиёрий бошқариш талаб этилмаслиги мақсадга мувофиқдир;

- кичик мактаб ёши даврда ихтиёрий диққатнинг етарли ривожланмаганлигини инобатга олиб, шунингдек боладаги иродавий -ҳиссий зўриқишни олдини олиш мақсадида дарс жараёнида ўтказилиши мумкин бўлган коррекцион машғулотлар уларда ўйин тариқасида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Қуйида болаларда миллий хусусиятларни шакллантиришга ёрдам берувчи ўйиндан бирини мисол тариқасида келтириб ўтамиз.

1-машғулот.

“Сюжетли расм” ўйини

Ўйин мақсади: Болаларда ижтимоий хулқ-атвор кўникмаларини шакллантириш, уларда ахлоқий меъёрлар ҳақида тушунча ҳосил қилиш асосида миллий хусусиятлар билан таништириш.

Болаларга ижобий ва салбий ҳолатлар тасвирланган бир неча карточкалар кўрсатилади. Масалан, автобусда мўйсафидга жой бераётган бола, катталарга салом бермай, беписанд ўтиб кетаётган қиз, онасига кўмаклашиб, ёрдамлашаётган фарзанд, кўчада кўлидаги қоғозни ерга улоқтириб кетаётган бола ва ҳоказо. Бу каби расмлар бола билан таҳлил қилиниб, қайси хатти-ҳаракат қандай баҳоланиши сўралади.

Бу каби жараёнлар болаларда миллий ўзликни, маънавий-ахлоқий хусусиятларни шаклланишида етакчи омил бўлади десак муболаға бўлмайди.

Кичик мактаб ёшидаги болалар ўзлари ва ота-оналари ҳақидаги ҳар қандай баҳони кечира олмайдилар. Ота-она, ака-ука, опа-сингилларининг камчиликларидан қаттиқ таъсирланадилар. Бу ёшдаги болалар билан мулоқотда, уларга ҳурмат-эътибор кўрсатишда ота-она боланинг ишончи ва ҳурматини қозониши муҳим.

Оила боланинг ҳаётий билим доираси, мафқураси, маънавияти ва тажрибасини кенгайтириш имкониятига эга, чунки оила ҳаётининг ижтимоийлиги унда тарбияланаётган болаларнинг онги, дунёқараши характерига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Шунинг учун оилалар фаолиятини жамиятнинг мақсад ва интилишларидан ажратиш мумкин эмас. Бизнинг жамиятдаги фаоллигимиз оилада акс этиши лозим, фарзандларимиз фуқаролик

қиёфамизни кўриши ва уни ота-оналик қиёфамиздан ажратмаслиги керак. Юртимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар бизнинг қалбимиз ва фикримиз орқали болаларимизга етиб келиши зарур. Бизни қувонтираётган ёки ташвишлантираётган жараёнлар фарзандларимизни ҳам қизиқтириши, хизматларимиздан қувонишлари ва биз билан фахрланишлари лозим.

Болани тарбиялашда руй берган таназулни бартараф этиб тўғри йўлга қўйиш учун оилавий тарбия ўтмишда қандай бўлганлигини ва ҳозирги кунда нималарга амал қилаётганини таҳлил этиш жоиз. Ундан чиқадиган хулосалар, мавжуд салбий ҳолатдан холи бўлиш чоралари келажакка мўлжалланган амалий дастур - миллий истиқлол ғояси йўналишларида ўз аксини топмоғи лозим. Бунинг учун эса аввало, оилада, соғлом психологик муҳит яратишдан, ёшларнинг рухан етук, маънавий дунёсини бой холда тарбиялашдан бошлаш керак. Фарзанд тарбияси билан унинг мурғаклик давриданок, ҳатто дунё юзини кўрмасдан шуғулланиш лозим. Халқимиз қадимдан тарбияни ҳеч қачон бир кишининг иши деб билмаганлар. Эзгулик, яхшилик, одоб ахлоқни муқаддаслаштириб, ҳар бир кишига ёшлиқдан шу қоидаларга амал қилишни ўргатиб, назорат этиб турганлар.

Тарбиянинг энг муҳим талабларидаи яна бири - шахсий намуна, оила ибратидир. Ота-она, катталар, қариялар, ака-укалар, қариндош-уруғларнинг оиладаги мавқеи муҳим аҳамиятга эга. Яхши фарзандларни, аввало, яхши оила, яхши ота-оналар тарбиялайди. Инсон ҳеч қачон ёмон хулк эгаси булиб тугилмайди, балки ижтимоий муҳит таъсирида узгаради. Оилада одоб-ахлоқ тушунчаларини кенг маънода англаш мумкии. Бутун мамлакат - бир оила. Жамоа - бир оила. Уларнинг қувонч ва ташвишлари ҳам бир-бирига уйғун бўлади. Уларнинг тотув, гамхўр ва меҳрибон бўлишлари оиладаги катта ёшлиларнинг намунасига боғлиқ.

Фарзанд ота-онанинг, бутун оиланинг, жамиятнинг бахт-иқболи. Ота-она бола дунёга келган кундан эътиборан унинг яхши инсон бўлишини, ахлоқ-одобли, меҳр-мурувватли, олийжаноб инсон бўлиб етишишини чин дилдан истайди, ният қилади. Донишмандлар айтганидек: -Ота-онанинг муқаддас бурчи фарзандни дунёга келтирганлиги билан эмас, балки яхши фарзанд тарбиялаганлиги билан белгиланади.

Дунё тараққиётига ўзининг бетакрор обидалари, даҳолари, санъат кошоналари, жаҳонгирлари, муқаддас битиклари билан салмоқли ҳисса қўшган буюк алломалар-улуғ аждодларимиз ҳам илк тарбияни оиладан олганлар. Мустақиллигимиз шарофати туфайли ушбу шарқона табаррук қадрият ўз мавқеини тикляпти. Бу порлоқ истиқболимизга, улуғ кашфиётлари билан жумлаи жаҳонни лол қолдирадиган, аждодларига муносиб ворислар тайёрлашга давлатимиз томонидан яратилаётган мустаҳкам замин демакдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. В.Каримова. “Оила маърифати” Тошкент - 2009 й
4. Ғ.Б.Шоумаров “Оила психологияси” Тошкент “Шарқ” - 2008 й
5. Сафаров О., Махмудов М. “Оила маънавияти” Тошкент “Маънавият” – 1998й

References

1. V.Karimova. "Family Enlightenment" Tashkent - 2009
4. G.B.Shoumarov "Family Psychology" Tashkent "Sharq" - 2008
5. Safarov O., Maxmudov M. “Family spirituality” Tashkent “Spirituality” - 1998